



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 255 (13.588)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОН ЖОГОРКУ КЕНЕШИ СПИКЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабековни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Қирғизистон парламенти нуфузли делегациясининг мазкур ташрифи жорий йил Тошкент ва Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувларнинг мантикий давоми эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, бу давлатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Томонларнинг амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга бўлган қатъий сиёсий иродаси, турли даражадаги алоқалар ва ташрифлар фаоллашгани қисқа муддатларда салмоқли натижаларга эришиш ва ўзаро муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитиш имконини бергани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан халқларимизнинг бир-бирига бориб-

келишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жadal ортмоқда, ҳудудлар ва саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бизнес ва маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида имзоланган Меморандумнинг амалий ижроси доирасида қўшма тадбирлар ўтказилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлараро ҳамкорлининг амалдаги меҳанизмлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, мунтазам ва тизимли алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва мазмунли суҳбат учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонда барча соҳалар, жумладан, парламент ва фуқаролик жамияти ўрнини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислохотларнинг янги босқичини юксак баҳолади.

Қирғизистон Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка тайёр экани таъкидланди.

ЎЗА

Достонбек ЖУМАБЕКОВ:

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ҲАМКОРЛИГИ МАВЖУД САЛОҲИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик жорий йилда ҳар томонлама мустаҳкамланди. Жумладан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешиде икки томонлама алоқалар бўйича парламент гуруҳлари тузилди.

Мамлакатимизга ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг ЎЗА муҳбирига икки томонлама ҳамкорлик ҳақидаги фикрларини билдирди:

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинганимизни юксак қадрлаймиз. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиш ифодасидир.

Энг тўғри гапи Шавкат Мирзиёев айтди: бу йил Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожига тарихий йил бўлди. Тўсиқлар олиб ташланди, ҳамкорликка кенг им-

кониятлар очилди. Келгуси йилларда мамлакатларимиз ҳамкорлиги мавжуд салоҳият даражасига кўтарилишига ишонамиз.

Учрашувда бунинг учун парламентлар ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш, ҳукуматлар яқин ҳамкорликда ишлаши зарурлиги таъкидланди.

Биз ҳам Ўзбекистонлик шерикларимиз билан тез-тез учрашиб туриш, имзоланган ҳужжатларни ратификация қилиш ва амалга ошириш бўйича келишиб олдик.

Халқларимиз ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланиши, фаровонлиги изчил ошиб боришини тилайман.

А.САМАДОВ

ҚИРҒИЗИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида 21 декабрь куни Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси парламент делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги турли йўналишларда жadal тараққий этаётгани, парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ўзаро муносабатларнинг янада кенгайишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси билан барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро муносабатларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Қирғизистон Республикаси парламент делегациясининг ушбу ташрифи парламентлараро мулоқот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил сентябрь ойида Қирғизистон Республикасида давлат ташрифи давомида эришилган келишувларнинг амалий самарасидир.

Мулоқот чоғида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигининг

бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда томонлар Қирғизистон парламент делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи, режалаштирилган музокаралар ва учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исmoilов билан суҳбатда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз ва ҳудудлар ривожланишига йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар жadal суруятларда ривожланиб бораётгани, келгусида икки мамлакат муносабатларини савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда мустаҳкамлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши таъкидланди.

Тадбирда меҳмонларга парламент кўйи палатасининг фаолияти, қонунчилик тизимидаги янгиланган ҳақида сўзлаб берилди. Парламентлараро ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ҳамда яқин истиқболга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида икки томонлама парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича "Амалий тадбирлар режаси" ("Йўл харитаси") имзоланди.

Парламент делегациясини Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раъзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" мавзусидаги кўргазма ҳамда Ҳазрати Имом мажмуасидаги тарихий-маърифий ёдгорликлар билан танишди.

М.ЭЛМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

ўтган давр мобайнида 2 та қонун, Президентнинг 22 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 30 та қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар органлари (бўлимлари) бошқармаларидан узокда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиб бериш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишда 175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси) ва 824 та милиция таянч пункти ташкил этилди.

Ўтган даврда ички ишлар органларида ҳокимликлар, прокуратура ва кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳар бир маҳалладаги ишлар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларнинг эрта олдини олиш, салбий ҳатти-ҳаракатларини содир этиш учун шароит яратадиган омилларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган "ҳаракатлар формуласи" асосида ташкил этилди.

Ички ишлар органларининг қўйи бўғинларини қулайтиришга, маъмурий-ҳудудий бирикликлар доирасида тузилиб, фаолият юритаётган секторларда ишларни самарали ташкил этишга, одамларни ташвишлантираётган муаммоларини ҳал қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга жамоатчиликни кенг жалб этиш орқали аҳолининг ишончини оқлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида республика ҳудудида жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим раҳбар кадрлар ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмай, ишларни эскича олиб бормоқда. Натижада бир қанча минтақаларда оғир ва ўта оғир жиноятлар, шунингдек, қидирувда бўлган шахслар сони ортмоқда.

(Давоми 2-бетда)

24 декабрь — Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

XXI аср баҳоси
Барча маъбаладан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда "Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи: туризмнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг миллий ва халқаро тажрибаси" мавзусида тадбир ўтказилди. Давра суҳбатида соҳада мавжуд муаммолар ечимини топиш йўллари муҳокама қилинди. Туризмни янада ривожлантириш, воҳага келаётган хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш юзасидан фикр алмашилди.

● Сирдарё вилояти шаҳар ва туманлари марказларида 38 турдаги қишлоқ хўжалиги, маданий, маиший ва саноат маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркаларда Сирдарё вилояти ҳокимлиги савдо хизмати кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, "Гулистон бунёдкор сервис" масъулияти чекланган жамияти, улар тизимидаги савдо шохобчалари, вилоятдаги қайта ишлаш корхоналари, чорвачилик, паррандачилик, асарларчилик ва балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

● Андижон Олимпия заҳиралари колледжиде "Биз — тинчлик тарафдоримиз!" шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ўтказилган мусобақалар ва кўргазмали чиқишларда фаол қатнашган йигит-қизлар диплом, медаль, шунингдек, илгор федерациялар ҳамда спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ташкилотлар раҳбарлари ташақкурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Фарғонада "Йилнинг энг яхши китобхони" форуми бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир-ёзувчилар, олимлар, талаба-ёшлар, ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Мисрнинг Синай оролида жойлашган, ЮНЕСКО муҳофазасига олинган дунёдаги энг қўна кутубхона таъмирлаш ишларидан сўнг яна ўз эшикларини очди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кутубхонада машҳур юнон табиби Гиппократнинг табобат борасидаги даволаш муолажалари битилган қўлёзмалар, Инжилнинг энг қадимги нусхаси ва бошқа шу каби ноёб экспонатлар сақланмоқда.

● Калифорния соғлиқни сақлаш департаменти смартфонлар ухлаётган одамнинг саломатлиги учун хавфли эканини маълум қилди. Департамент томонидан чоп этилган мақолада гаджетлардан чиқадиган электромагнит нурланиш саратон ва бепуштлик хавфини ошириши айтилмоқда. Мутахассисларнинг тавсия қилишича, айниқса, тунда ишлатилмаётган смартфон одамдан бир ёки бир неча метр узокликда туриши керак.



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

БИЗНИНГ ҲОЯЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ИЗЧИЛ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайлови сиёсий партиялар учун яна бир жиддий сиёсий имтиҳон, шунинг билан бирга, катта тажриба мактаби бўлмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Ушбу жиддий синов мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли жараёнда ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир.

Сайлов куни ҳар бир фуқаро ўзи танлаган номзодга овоз беради, албатта. Лекин энг муҳими, ким қайси номзодга овоз бераётгани, кимни нима учун қўллаб-қувватлаётганини тушуниб етишадир. Хар кимнинг ўз шахсий фикри, ҳулосаси бўлиши керак. "Мен қабул қиладиган қарор сайловнинг юқори савияда ўтишида, мамлакат келажаги, унинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлади", деган қатъий тушунча билан сайловда иштирок этишимиз керак. Бунда албатта, сиёсий партияларнинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар аҳамияти, депутатликка номзодлар илгари сураётган ғоя ва тақлифларнинг ҳудудлар ривожидagi ўрни ва роллари тўғрисида аниқлаб олиш талаб этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловда иштирок этар экан, ўз электроти вакиллари хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилиб, яратилган ҳуқуқий имконият ва ваколатлардан самарали фойдаланишга интиляпти. Партиямиз Дастурида бугунги долзарб ижтимоий масалалар илгари сурилган бўлиб, бунинг замирида халқ фаровонлиги, қор тинчлиги ва мамлакат равнақи ётади. Энг муҳими, улар номзодларимиз сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар билан муштаракдир.

Масалан, номзодларимизнинг суд-ҳуқуқ, солиқ ва бюджет соҳаларининг самарали тартибга солиниши, жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш ҳамда товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллиги билан боғлиқ масалалар бўйича билдираётган ғоя ва тақлифлари ҳаётимизда кузатилаётган айрим муаммоларни самарали ҳал қилишда муҳим ўрин туттишига ишонамиз.

Ҳаммамиз яхши биламиз, демократик ислохотлар чуқурлашиб, фуқаролик жамияти қарор тоғлари сари суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча имкониятларни яратиш зарурати келиб чиқади. Бу жамият ҳаётини демократлаштириш, инсонпарварлик тамойилини кучайтиришда муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, партиямиздан кўрсатилган номзодлар бу борада қатор тақлифларни илгари сурумоқда. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизми оммабоплигини кенгайтириш тақлиф этиляпти. Мазкур масалада суд назоратини кучайтириш ҳисобида суд қарорлари ижроси сифатини ошириш керак бўлади. Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳуқуқларини янада қанчалаш мақсадида илгари сурилган бу тақлифлар ҳаётимизни тобора эркинлаштириш ва демократлаштиришга хизмат қилади.

Яна бир гап. Суд-ҳуқуқ соҳасида партиямиз фуқароларнинг, айниса аҳолининг кам таъминланган қатламларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат

этиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, даъво аризалари киритилганда олинган давлат божи миқдорларини мақбуллаштириш қўллаб-қувватлайди. Биз фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг самарали механизминини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини изчил қўллаб боришни давом эттириш керак, деб ҳисоблаймиз. Бу саноат-ҳаракатлар суд ва суд жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро самарали алоқа ўрнатилиши, жумладан, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали процессуал механизмларни такомиллаштиришга кенг йўл очади.

Номзодларимиз сайловолди дастуруларда иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворликларга ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, мамлакатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини ошириш учун ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш, шу орқали аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизминини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган. Бунинг учун асосий диққат-эътибор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, уларнинг таннарихини пасайтиришга қаратилиши лозим. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хориқ инвестицияларини жалб қилиш, замонавий технологиялар келтириш ҳам устуворлик касб этади.

Хусусан, номзодларимизнинг таъкидлашича, маҳаллий ҳомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун уларни иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш, имтиёзли кредитлаш самарадорлигини янада кучайтириш лозим. Бу жойларда ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, маҳсулотлар ҳажми ва сифатини яхшилаш, корхоналар фаолиятини кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини очиб беришга хизмат қилади. Айниса, маблаг етишмаслиги учун ишнинг тўхтатиш арафасида турган ёки маҳсулот ҳажминини ошириш учун қўшимча техника ва технологияларга эҳтиёж бор корхоналар учун бу жуда қўл келади. Улар керакли маблаг билан таъминланса, ишлаб чиқариш салоҳияти ўсди, ички ва ташқи бозорга чиқиш имконияти ортади.

Бизнингча, бўш меҳнат ресурсларини юқори технология тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият қўриётган ташкилотларга фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилдир. Инвестиция дастуруларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-ҳунарга эга ва олий маълумотли мутахассислари тайёрлаш дастурулари ҳамда ҳудудий бандлик дастуруларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашушни таъминлаш, барқарор иш ўринлари яратиб бериш, шунга мувофиқ, солиққа тортиш тизимини

янада мақбуллаштириш одамларни ишга жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланишига кенг йўл очиш, кейинчалик уларга бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш ёшлар бандлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Истиқболли корхонада ишлаётган ёшларнинг ўзига, келажакка ишончи катта бўлади. Ёшларнинг руҳияти, психологияси шундайки, қилаётган иши ёқса, олаётган иш ҳақи ўзини қониқтирса, улар бутун диққат-эътиборини ишга, юқори натижаларга эришишга сарфлайди.

Гап шу ҳақда кетганда яна бир масалага тўхталиш ўринли назаримизда. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли, шу жумладан, унинг кам таъминланган қатламлари учун бирламчи эҳтиёж бўлган товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон ХДП бу масалада мустақил тараққиёт йилларида эришилган натижаларни юқори баҳолаб, ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларга нархларнинг шаклланиши устидан давлат назорати самарадорлигини янада оширишни ёқлайди. Бундан қўланган мақсад уларга бўлган нарх ва тарифларнинг ўсиши тегишли давлат қарорлари билан белгиланадиган ойлик маош, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда биз ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар бозорига устун мавқега эга (ҳукмрон) бўлган субъектларнинг монополистик фаолиятини келажакда йўналтирилган монополияга қарши сиёсат самарадорлигини ошириш тарафдоримиз. Монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нарх ва тарифларни ўрнатилиши уларнинг кам таъминланган аҳоли қатламлари учун мақбуллигини таъминлашдаги давлат бошқарувини кучайтириш керак, деган қарарини илгари суришга. Мана шундай ҳаётий масалаларга кўра, номзодларимиз бу борада илгари сураётган тақлифлар гоят ўринлидир.

Сир эмаски, солиқ ва бюджет соҳаларининг самарали тартибга солиниши, кредит муносабатларини такомиллаштириш кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим омилларидир. Партиямиз юртимизда ижтимоий соҳани молиялаштиришга давлат бюджетининг салмоқли қисми сарфланаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет ва молия сиёсатининг муҳим ютуғи, деб ҳисоблайди.

Ушбу йўналишнинг қўллаб-қувватлаб, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган давлат бюджетни даромадлари даражасини янада оширишни ёқлар экан, партиямиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини юртимизда тадбиркорлар томонидан қилиш ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўлиниши устидан давлат назорати механизмларини такомиллаштириш бўйича қарорларни амалга ошириш тақлиф этишмоқда.

Шунингдек, бизнинг номзодлар пул-кредит муносабатлари борасида бир қатор долзарб масалаларда ўз қарашларини баён этишляпти. Уларнинг қайд этилиши, терминал тармоғи ва онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларига ишончини ошириш ва бундан уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш тақлиф этишмоқда.

нидек, парламент сўровида кўтарилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида вазирлик ва идоралар раҳбарларидан таркиб тоғлан ишчи гуруҳ тузилди. Муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра ишчи гуруҳ томонидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2017 йилги пахта ҳосили ҳомашёсининг харида нархи 2016 йилдагига нисбатан 56 фоизга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат харида ва кишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашнинг мақсадли молиялаштириш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу Жамғарма томонидан 2017 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари харажатларини молиялаштириш мақсадида 2 триллион 905 миллион сўм ёки 2016 йилдагига нисбатан 132 фоиз миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги Фавқулодда ва мухтор элчисини лавозимига тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчисини лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Сенат ваколатига кирадиган бошқа қатор масалаларни кўриб чиқдилар.

Ун учинчи ялпи мажлис давомида 26 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, халқроқ ҳамкорлиқни ривожлантириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган 15 та Қонун қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқроқ ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг, мамлакатимиз теварағида хавфсизлик муҳитини яратиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишчи ахунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

чайтириш бўйича қўшимча қарорлар қўриш, аҳолига тўланадиган нақд пул ва пластик қарталар асосидаги нақдсиз тўловлар ўртасидаги энг мақбул нисбатни таъминлашга эришиш бугунги энг муҳим вазифадир.

Тегишли идоралар ва мансабдор шахсларнинг савдо тармоғи, шу жумладан, деҳқон бозорларида терминалларнинг узлуксиз ишлаши ва аҳолига пластик қарточкалар ҳисоб рақамидида маблаглар доирасида банккомат ёки банк кассалари орқали нақд пул маблагларининг бемалол берилиши учун масъулиятини янада оширишга эътиборини қучайтириш керак. Бу ҳар биримизнинг оиламиз, ақилларимиз турмуши фаровонлигига хизмат қиладиган омилдир, албатта.

Яна бир эътиборли жиҳати, номзодларимиз илгари сураётган ғоялар ичида иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига, давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатлами турмуш даражасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг айтишича, юқори даражадаги ички талаб – иқтисодий тараққиётнинг харақатлантирувчи кучи. Барқарор иқтисодий ривожланиш ижтимоий самарадорлигининг ишончли далилларидан бири, бу – аҳоли реал даромадларини изчил оширишдир. Шундан келиб чиқиб, биз келгуси даврда ҳам меҳнатга ҳақ тўлашни изчил ошириб бориш, шунингдек, солиқ базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш ва солиқ маъмурий бошқарувини яхшилаш ҳисобида жисмоний шахсларнинг, авваламбор, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу қарорлар аҳолининг харида қобилиятини оширишга, демакки, ички талабнинг орттишига хизмат қилади. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг харақатлантирувчи кучи ва иқтисодийнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Мазкур қарорлар, айниса, меҳнатга паст ҳақ тўланадиган жойларда иш берувчилар ва ходимлар ўртасида очик меҳнат муносабатларини ўрнатишга, меҳнат ҳуқуқларини, ижтимоий ва бошқа қафолатларга амал қилинишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, партиямиз дастурий мақсадлари ва номзодларимиз сайловолди дастуруларининг устувор йўналишлари, унда илгари сурилган ғоя ва мақсадлар мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатини янада изчил амалга ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларини янада кенгайтириш, умуман, турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Хурматли сайловчилар! Ишончимизки, сайлов куни сизлар юксак даражада сиёсий ва фуқаролик фаолликларини намоён этасиз ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берасиз.

Хурматли ҳамшаҳарлар, азиз сайловчилар!
24 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Семинарлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Жорий йилнинг 24 декабрь куни

халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга ҳам саноқли қўнлар қолди.

Ушбу сиёсий жараёнинг муҳим палласи – сайловолди ташвиқоти бугунги кунда қизгин паллада. Шайхонтоҳур туманидаги 102-умумий ўрта мактабда ўтказилган семинар ҳам айнан туман Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари ва сайлов участкалари комиссиялари аъзолари ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилиги, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқи ва қафолатлари ҳақидаги билимларини ошириш йўлида ташкил этилди.

Мазкур учрашувда 9, 10, 11, 12, 13-сайлов округлари ва уларга тегишли сайлов участкалари комиссия аъзолари ҳамда сайловчилар иштирок этдилар.

Тадбирда халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман сайлов комиссияси раиси Ш.Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра доценти Г.Исмоилова, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини масъул раҳбари Р.Арабовлар сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари, овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунириш бўйича ўз маърузалари билан иштирок этиб, йиғилганларнинг саволларига тўлиқ жавоб бердилар.

– Сайловни юксак демократик савияда ўтказиш, фуқаролар, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг ўшбу жараёнда эркин ва фаол иштирок этишини таъминлаш, конституциявий сайлов ҳуқуқларини тўлиқ тушуниш, ҳуқуқий маданиятларини янада юксалтириш мақсадида туманимиздаги барча сайлов округ ва сайлов участкаларида икки босқичда семинар-учрашувлар ўтказилди, – дейди халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси котиби Наргиза Зияева. – Ушбу учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ходимлари, етатчи олимлар, мутахассис, эксперт ва амалиётчилар иштирок этиб, ўшбу муҳим сиёсий жараёнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб олишларига катта қўмак бердилар.

Ўйлаймизки, шахримизнинг бунданда обод бўлиши, халқимиз турмуши фаровонлигини қўллаб-қувватлаётган ўшбу сайловда барча фаол иштирок этиб, ўзининг шу юртга дахлдорлик ҳиссининг қай даражада юқори эканини намоён этади.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳокама чоғида сенаторлар сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчиларни ва тарбияси оғир вояга етмаганларни аниқлаш, уларга нисбатан бевосита мактаб, коллеж, лицей ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида таълим муассасалари ўқитувчилари, ота-оналар иштирокида таъсирчан тарбиявий ва профилактика ишларини уюштириш учун профилактика инспекторларининг шахсий масъулиятини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилар.

Шунингдек, фуқаролар томонидан жойлардаги ички ишлар органларига мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга эътибор қаратиш ҳам зарур.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган аниқ тақлифлар ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, профилактика инспекторларига яратилган қўлай моддий-маиший шарт-шароитларни сақлаб қолиш, хизматни самарали амалга ошириш учун уларга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб бериш, шу жумладан, уларга хизматни ўташ ҳудудларида хизмат уйлари ажратиш ҳамда имтиёзли кредит асосида автоташкил харида қилиш имкониятини бериш борасида ҳукумат томонидан кўрилатган ишларни янада қучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Соҳада амалга оширилаётган шу ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар профилактика инспекторлари самарали хизмат кўрсатиши учун муҳим омилдир.

Муҳокама ахунилари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг миллий қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди ва муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қисқа вақт ичида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон томонидан хорижий давлатлар билан, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан олиб борилаётган очик, амалий, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Қўшни мамлакатлар билан муносабатларда тамомла янги сиёсий муҳит қарор топтиришга, сиёсий ишонч даражасини янада оширишга ҳамда ҳамкорлиқнинг қўпгина соҳаларида юқори натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қўшни мамлакатлар билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш ҳамда сув-энергетика муаммоларини ҳал этиш борасида музокаралар жараёни анча жонланди.

Бугунги кунда ташқи сиёсат хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик ва туризмни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни ҳал қилишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Жумладан, йил давомида олий даражада 22 та ўзаро ташриф амалга оширилди, 60 дан ортқ давлат ва халқроқ тузилмалар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. 400 га яқин ҳужжат, шу жумладан, 110 та халқроқ шартнома – 21 таси давлатлараро, 48 таси ҳукуматлараро ва 41 таси идоралараро ҳужжат, шунингдек, муассаса ва минтақалар ўртасида 61 та ҳужжат имзоланди. Давлатимиз раҳбарининг ХХР, РФ, Туркия, АҚШ, Жанубий Кореяга қилган ташрифлари тарихий аҳамият касб этди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда 60 миллиард АҚШ долларилек 200 дан ортқ шартнома ва битимлар тузилди.

Икки томонлама келишувларни сўзсиз амалга ошириш учун савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молия-техник, транспорт-комму-

никация ва маданий гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 41 та "йўл харитаси" тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан умумий товар айланмаси жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 16,6 фоизга ошди ва 22 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ қилиш бобида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Халқроқ ташкилотлар (БМТ, ШҲТ, МДХ, ИХТ) билан мулоқот янада самарали кечмоқда. Ўзбекистон бир қатор халқроқ тузилмалар билан алоқаларини тиклади. Уларнинг имкониятларидан фойдаланиб, Ўзбекистон янги ташаббусларини илгари сурди ва улар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг маъқулланиб, қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, вазирлик фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар қайд этилиб, уларни ҳал қилиш ва фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган зарур чоралар қўрилиши талаб этилмоқда. Жумладан, ўтказилаётган халқроқ тадбирларни аниқ мазмун билан янада бойитиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва эришилган келишувларнинг ижро этилиши устидан мониторингни кучайтириш борасидаги ишларни жонлантириш зарур.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга ва ҳисоботни эшитиш чоғида кўрсатилган мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларининг таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа ташкилотлар олдидаги қарздорлигини келтириб чиқарувчи сабаблар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари – кишлоқ ва сув хўжалиги вазирини 3.Т.Мирзоевга юборилган парламент сўровига жавобни эшитдилар. Сенаторлар таъкидла-

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 Кун хабарлари.
06.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 "Тахилнома".
08.40 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
09.00 Кун хабарлари.
09.05 "Бехаловат ҳимоячилар".
Т/с.
09.50 Анонс.
10.00 Кун хабарлари.
10.05 "Хидоят сари".
10.40 "Сўхбатдош".
11.00 Кун хабарлари.
11.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Кун хабарлари.
13.10 Ўзбек театрининг олтин хазинаси.

13.50 "Законат".
14.50 Анонс.
15.00 Кун хабарлари.
15.05 Миллий сериал.
"Таваллуд".
15.35 "Муъжизалар макони".
16.00 Кун хабарлари.
16.05 "Бехаловат ҳимоячилар".
Т/с.
16.50 "Муқаддас қадимжолар".
17.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.30 "Ватанпарвар".
18.10 "Имконият".
18.30 "Муносабат". Ток-шоу.
(Тўғридан-тўғри эфир).
19.25 Анонс.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Дугонажолар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.30 "Бизнинг сарат".
22.10 - 23.20 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.20 "Ватанпарвар".
00.00 Анонс.
00.10 "Муъжизалар макони".
00.40 "Имконият".
01.00 Миллий сериал.
"Чемпионлик орусси".
01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.55 "Шоҳидамас баргида".
Б/ф.
05.35 "Имконият".
05.55 - 06.00 Анонс.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
07.00 "Айвон".
08.00 "Давр" ҳафта ичида.
08.40 "Тоғчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ёшлар пресс-клуби".
11.00 "Биз киммиз?".
11.30 "Фан ва ёшлар".
12.00 "Давр".
12.10 "Элиза". Т/с.
13.00 "Бархотлик йўлидан".
13.20 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
15.00 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Мен қорбобоман".
Б/ф.
17.50 "Дайжест".
18.00 "Давр".
18.15 "Кутубоначилар". Т/с.

19.00 "Шарқ миниатюраси".
19.10 "Элиза". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Start up club".
21.00 Миллий сериал.
"Халоват кўчаси".
21.50 "Тоғчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Посбон". Б/ф Премьера.
00.10 "Start up club".
00.50 "Элиза". Т/с.
01.30 "Муъжизалар макони".
02.20 Миллий сериал.
"Халоват кўчаси".
03.00 "Афсона ва ҳақиқат".
04.00 "Давр".
04.30 "Сехрли кўлар".
05.30 - 06.00 "Айвон".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00 "Пойтахт-культура".
06.20 Миллий сериал.
"Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-madaniyat".
10.15 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
10.45 "Дунёдан дараклар".
11.00 "Пойтахт-автo".
11.15 "Мобильная камера".
11.30 "Киноахборот".
12.00 "Poytaxt-Hi-tech" (рус.).
12.15 Миллий сериал.
"Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт на пульсе".

ДУШАНБА, 25

13.15 "Кесишмаган нукта".
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Рагби телевидор".
18.00 "Poytaxt-Hi-tech" (рус.).
18.15 "Турфа тақдирлар".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Тошкентнома".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Сифат назорати".
20.30 "Poytaxt-avto".
20.45 "Poytaxt-интервью".
21.05 "Виктория". Т/с.
Премьера!
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Мой друг дед мороз".
Х/ф.
23.15 "Мобильная камера".
23.30 "Киноахборот".
00.05 "Poytaxt-avto".
00.20 "Рагби телевидор".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Сифат назорати".
01.55 "Poytaxt-Hi-tech" (рус.).
02.05 "Турфа тақдирлар".
02.35 "Пойтахт-культура".
14.00 "Келин".
05.00 - 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадхия.
06.05 Курсатувлар тартиби.
06.10 "Кораллоқ спорт".
06.30 "Спорт сабоқлари".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Бизнинг спорт".

08.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
09.15 "Муъжизалар макони".
09.40 "Соғлом турмуш сари".
10.05 Интерфутбол.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Ёшлар спорт".
13.05 "Мураббий".
13.30 "Жаҳондаги жаҳон".
13.50 "Техноспорт".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. У-17. Коста Рика - Гвинея.
16.05 "Болалар спорт".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. У-17. Франция - Япония.
18.25 Курсатувлар тартиби.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Ил юнлари".
19.10 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Ил юнлари".
21.15 Баскетбол.
22.50 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадхия.
00.05 "Автограф судьбы".
00.35 "Машхурлар".
01.00 Новости спорта.
01.10 Баскетбол.
02.45 "Star CUP".

Боложон

07.00 "Салом, боложон".
07.10 "Боложон гимнастикаси".
07.20 "Боложонлар саҳнаси".
07.50 "Мультипанома".
08.40 "Ширинтой-кичинтойлар".
09.00 "Болалар учун фильм".
10.10 "Bravo English".
10.30 "Мультипанома".
12.10 "Story time".
12.30 "Мультипанома".
14.20 "Саргузаштлар ороли".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.10 "Табиятга савҳат".
16.30 "Мультипанома".
17.50 "Табиятшунос боложон".
18.10 "Эртақлар оламида".
19.10 "Болон боложон".
19.30 "Мультипанома".
20.10 "Сехрли китоб".
20.30 "Мультипанома".
21.50 - 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадхи".
06.05 "Ок бую ўйсини". Б/ф.
07.10 Миллий сериал.
"Осмоқдига болалар".
08.30 "Юлдош кўйидаги бахт".
09.00 "Интеллектуал ринг".
Телемусобақа.
10.00 "Обод дурдоналари".
10.30 "Бола бошидан".
11.00 "Махалладошлар".
11.30 "Step by step".
12.00 "Фермер".
12.30 "Саодатли умр".
12.50 "Махалла академияси".
13.30 "Хамият ва ҳуқуқ".
14.00 "Под одним небом".
14.30 "Келин".
15.00 Миллий сериал.
"Ҳаёт сабоқлари".
15.50 "Махаллаиз чавандозлари".
16.00 "Илм кудрати".
16.30 "Ахборот хазинаси".
17.00 Миллий сериал.
"Ҳаёт пиллаполаи".
17.30 "Бизнинг студия".

Ўзбекистон

06.00 Кун хабарлари.
06.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 "Ахборот".
08.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
09.00 Кун хабарлари.
09.05 "Дугонажолар". Т/с.
09.45 "Ҳаёт тилсими".
10.00 Кун хабарлари.
10.05 "Биз учун муҳим".
Ток-шоу.
11.00 Кун хабарлари.
11.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Кун хабарлари.
13.05 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.25 "Кўнгил ободлиги".
14.55 Анонс.
15.00 Кун хабарлари.
15.05 Миллий сериал.
"Сержантлар".
15.35 Анонс.
15.40 "Эл тинчилиги йўлида".
16.00 "Кун хабарлари".
16.05 "Бехаловат ҳимоячилар".
Т/с.
16.50 "Ягона оилада".
17.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.30 "Сўхбатдош".
17.50 "Ўзингиз анигла". Ток-шоу.
18.20 "Парламент ҳаёти".
18.50 "Хидоят сари".
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Дугонажолар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.30 "Лойиҳадан натижагача".
22.10 - 23.15 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.15 "Ўзингиз анигла". Ток-шоу.
23.45 "Ҳидоят сари". Б/ф.
00.20 Анонс.
00.30 "Кўнгил ободлиги".
12.10 Миллий сериал.
"Чемпионлик орусси".
01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.55 "Омад келган кун". Б/ф.
05.25 "Кечиккан узр".
05.35 "Лойиҳадан натижагача".
05.55 - 06.00 Анонс.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
07.00 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Соғлом ҳаёт".
08.40 "Тоғчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ёшлар студияси".
Ток-шоу.
10.50 "Фан ва ёшлар".
11.20 "Давр мавзуси".
11.30 "General English".
12.00 "Давр".
12.10 "Элиза". Т/с.
13.00 "Чўққилар чорлаганда".
13.20 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
15.00 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги йилга келаман".
Б/ф.
17.50 "Дайжест".
18.00 "Давр".
18.15 "Кутубоначилар". Т/с.
19.00 "Давр-репортаж".
19.10 "Элиза". Т/с.
20.00 "Давр".

20.20 "What's up" ток-шоуи.
21.00 Миллий сериал. "Халоват кўчаси".
21.50 "Тоғчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Корбобони излаб". Б/ф Премьера.
00.10 "What's up" ток-шоуи.
00.50 "Элиза". Т/с.
01.30 "Муъжизалар макони".
02.20 Миллий сериал.
"Халоват кўчаси".
03.00 "Афсона ва ҳақиқат".
04.00 "Давр".
04.30 "Чўққилар чорлаганда".
05.00 - 06.00 "Айвон".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Вакт топиб".
11.45 "Пойтахт-автo" (рус.).
12.00 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал.
"Опа-сингиллар".
13.00 "Халк билан юзма-юз".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
14.20 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Энг ширин шоу".
18.00 "Poytaxt-reportaj".
18.20 "Пойтахт-вазират".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Тошкентнома".

ЧОРШАНБА, 27

19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Ойик мулоқот".
Тўғридан-тўғри эфир.
21.05 "Виктория". Т/с.
Премьера!
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Елқи-2". Х/ф.
23.35 "Poytaxt-avto".
23.45 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
00.05 "Ойик мулоқот".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Энг ширин шоу".
02.05 "Poytaxt-reportaj".
02.15 "Профессионал".
02.35 "Пойтахт-вазират".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 - 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадхия.
06.05 Курсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!".
06.35 "Спорт сабоқлари".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Соғлом турмуш сари".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
09.45 "Бизнинг спорт".
10.05 "Халк ўйинлари".
10.15 "Шахмат дурдоналари".
10.40 "Старт".
11.05 Италия чемпионати шарҳи.
11.35 "Матонат".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Каратэ. Марказий Кубоги.

13.45 "Техноспорт".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. У-17. АКШ - Англия.
16.05 "Машхурлар".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 "Автограф судьбы".
17.00 "Спортимиз маликалари".
17.20 Курсатувлар тартиби.
17.25 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Ил юнлари".
19.30 "Шаркони Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.45 "Кўлдуйи оқшом".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Ил юнлари".
21.10 Футбол. Мавсумнинг энг яхши ўйинларидан.
23.00 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
00.00 Мадхия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Новости спорта.
01.40 "Спортимиз маликалари".
02.05 "Техноспорт".
02.20 Тазквондо. Ўзбекистон чемпионати.
03.25 "Машхурлар".
04.10 - 06.00 Футбол. Мавсумнинг энг яхши ўйинларидан.

Махалла

06.00 "Ватан мадхи".
06.05 Миллий сериал.
"Ўзи уйланмаган совчи".

20.10 "Меҳригив".
Ток-шоу.
21.00 "Ен қўшим - жон қўшим".
21.30 "Конунлиқдаги янгиликлар".
22.00 Миллий сериал.
"Сабр".
22.40 "Тўғри репортаж".
23.00 "Машварат".
23.30 "Бизнес ва тараққиёт".
00.00 "Ватан мадхи".
00.05 Миллий сериал.
"Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Ўйлом мажлиси".
01.10 "Муваффақиятим сирлари".
01.30 "Сўнмас юлдузлар".
02.00 "Интеллектуал ринг".
Телемусобақа.
03.00 Миллий сериал.
"Ҳаёт сабоқлари".
03.40 "Фермер".
04.00 "Ҳамият ва ҳуқуқ".
04.30 "Махалладошлар".
05.00 Миллий сериал.
"Ҳаёт пиллаполаи".
05.30 - 06.00 "Саодатли умр".

Боложон

07.00 "Салом, боложон!"
07.10 "Боложон гимнастикаси".
07.20 "Миттивойлар мусобақаси".
07.50 "Мультипанома".
08.40 "Ширинтой-кичинтойлар".
09.00 "Болалар учун фильм".
10.10 "Bravo English".
10.30 "Мультипанома".
12.10 "Ширин кўла".
12.50 "Мультипанома".
14.10 "Абиятга савҳат".
14.20 "Боложон ороли".
14.30 "Болалар учун фильм".
16.00 "Соғлом боложон".
16.30 "Мультипанома".
17.50 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.10 "Эртақлар оламида".
19.10 "Зумрад ва Қиммат".
19.30 "Мультипанома".
20.10 "Болон боложон".
20.30 "Мультипанома".
21.50 - 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадхи".
06.05 "Матонат". Б/ф.
07.40 Миллий сериал. "Муҳаббат синонари-2".
08.10 Саргузашт фильмлар экрани. "Чўқи. Кутарувчилар". 2-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.50 "Сенга ошмак". Т/с.
12.20 Муъжиза фильм. "Гелий".
13.00 "Широкий Атлантика".
13.30 "Семимли сериал".
13.50 "Ишқ эртаси".
14.05 Каддонкинчи. "Қизлар".
15.40 Болалар экрани. "Винки учун тулпор".
17.10 Мировое кино. "Приходи на меня посмотреть". Премьера!
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошмак". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.10 Жаҳон киноси.
"Китоб устида".
00.00 "Юрт мадхи".
00.05 "12 меҳсари". Х/ф.
01.35 "Жаноб Септим ресторани". Б/ф.
03.10 "Байрам кўни". Б/ф.
04.25 - 06.00 "Жасорат". Б/ф.

Ўзбекистон

06.00 Кун хабарлари.
06.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 "Ахборот".
08.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
09.00 Кун хабарлари.
09.05 "Дугонажолар". Т/с.
09.45 "Менинг боғим".
10.00 Кун хабарлари.
10.05 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 Кун хабарлари.
11.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Кун хабарлари.
13.05 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.05 "Биз учун муҳим".
Ток-шоу.
15.00 Кун хабарлари.
15.05 Миллий сериал.
"Таваллуд".
15.35 "Кўрғанимиз ҳақида".
16.00 Кун хабарлари.
16.05 "Бехаловат ҳимоячилар". Т/с.
16.50 "Кўрғанимиз бирида...".
17.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Бугуннинг мавзуси".
18.00 Анонс.
18.15 "2017 йил - Халк билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". "Ойик мадхия".
18.35 "Ўйбурчак". Ток-шоу.
19.30 "Махшурлар" /рус./.
20.00 "Дугонажолар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
22.10 "Агроолам".
22.30 - 23.25 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.25 "Ойик кадрит".
23.45 "Кўрғанимиз бирида...".
00.00 "Кўрғанимиз ҳақида".
00.30 "Менинг боғим".
00.50 Анонс.
01.00 Миллий сериал.
"Чемпионлик орусси".
01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.55 "Кўл бўйидаги уй". Б/ф.
05.35 "Агроолам".
05.55 - 06.00 Анонс.

Ёшлар

06.00 "Ватанмеҳри".
06.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
07.00 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Фан ва ёшлар".
08.40 "Тоғчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
10.00 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ўйик эшик ораси".
11.10 "XXI аср технологиялари".
11.40 "Зар замин".
12.00 "Давр".
12.10 "Элиза". Т/с.
13.00 "Дайжест".
14.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал.
"Туташ тақдирлар".
15.00 "Айвон".
15.05 "Ифтихоримсан, спорт!".
16.00 "Давр".
16.10 "Миршкор аёл". Б/ф.
17.30 "General English".
18.00 "Давр".
18.15 "Кутубоначилар". Т/с.
19.00 "Давр мавзуси".
19.10 "Элиза". Т/с.

20.00 "Давр".
20.20 "Ёшлар студияси" ток-шоуи.
21.00 Миллий сериал.
"Халоват кўчаси".
21.50 "Тоғчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Кичиктой Холли". Б/ф Премьера!
00.10 "Ёшлар студияси" ток-шоуи.
00.50 "Элиза". Т/с.
01.30 "Муъжизалар макони".
02.20 Миллий сериал.
"Халоват кўчаси".
03.00 "Афсона ва ҳақиқат".
04.00 "Давр".
04.30 "Олтин тулпор".
04.40 "Давр мавзуси".
05.00 - 06.00 "Айвон".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал.
"Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Обод хонадон".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Сифат назорати".
11.45 "Мобильная камера".
12.00 "Poytaxt-интервью".
12.15 Миллий сериал.
"Опа-сингиллар".
13.00 "Poytaxt-avto".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".

СЕШАНБА, 26

17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Китобхон".
18.00 "Вакт топиб".
18.30 "Халк билан юзма-юз".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Тошкентнома".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Кўзгуданг Биз".
20.30 "Poytaxt-avto" (рус.).
20.45 "Poytaxt-reportaj".
21.05 "Виктория". Т/с.
Премьера!
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Елқи-1". Х/ф.
23.25 "Пойтахт-автo" (рус.).
23.40 "Обод хонадон".
00.05 "Мобильная камера".
00.20 "Кўзгуданг Биз".
00.50 "Poytaxt-reportaj".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Китобхон".
02.10 "Пойтахт на пульсе".
02.30 "Халк билан юзма-юз".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 - 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадхия.
06.05 Курсатувлар тартиби.
06.10 "Старт".
06.35 "Ифтихоримсан, спорт!".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Болалар спорт".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
08.45 "Соғломлик - полвонжон".
10.10 Интерфутбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
14.00 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
14.35 "Техноспорт".
14.40 Новости спорта.
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. У-17. Бразилия - Гондурас.
16.00 "Элчироқ".
16.10 "Ифтихоримсан, спорт!".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 "Шедер".
17.10 "Бизнинг спорт".
17.30 Италия чемпионати шарҳи.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 "Соғлом турмуш сари".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Ил юнлари".
19.10 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Ил юнлари".
21.25 Баскетбол.
22.50 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
00.00 Мадхия.
00.05 Италия чемпионати шарҳи.
00.35 "Соғлом турмуш сари".
01.10 Баскетбол.
02.45 "Юлдузи оқшом".
03

